

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«МЕНЕЖМЕНТ ВА СТАТИСТИКА» КАФЕДРАСИ**

**«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ»**

**«Менежмент ва статистика»**

**кафедраси мудири**

**проф. М.Қ.Пардаев**

**Баённома № \_\_\_, 2012 йил \_\_\_ июнь**

**5810700-«Туризм менежменти» таълим йўналиши  
ТМН-108 гурӯҳ талабаси Хикматуллаева Хосиятнинг “Туризм  
ташқилотларида молиявий ресурсларни бошқариш йўллари  
(Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмаси мисолида)**

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**Асс. Насимов И.Х.**

**Илмий маслаҳатчи:**

**Доц. Усманов И.А.**

**САМАРҚАНД – 2012**

## **МУНДАРИЖА:**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I-Боб. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларни бошқаришнинг назарий масалалари.....</b>	<b>5</b>
1.1. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларнинг манбалари.....	5
1.2. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларнинг моҳияти ҳамда уларнинг шаклланиши.....	8
1.3. Туризм ташкилотларидағи молиявий режалаштириш молиявий ресурслардан фойдаланишнинг муҳим омили сифатида.....	13
<b>II-Боб. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасининг молиявий ресурслари ва уларнинг бошқариш самарадорлиги таҳлили.....</b>	<b>16</b>
2.1. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасининг молиявий ресурслари ҳолати таҳлили.....	16
2.2. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасининг молиявий кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	24
<b>III-Боб. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларни бошқариш йўлларини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари..</b>	<b>32</b>
3.1. Туризм ташкилотларида молиявий ресурслар назоратини ташкил этишнинг аҳамияти .....	32
3.2. Туристик ташкилотларнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари.....	36
<b>IV-Боб. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасида хавфсиз иш шароитини ташкил этиш масалалари.....</b>	<b>40</b>
4.1. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасида туристлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	40
4.2. Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмасида хавфсизликни таъминлаш ҳамда хавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш йўллари.....	49
<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	<b>56</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>58</b>

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати туризмнинг ривожланишига катта ахамият бериб, меҳмонхоналарда туристларга ва бошқа меҳмонларга меҳмонхона хизматларини кўрсатиш турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада республикамизда бутун дунёда амалга оширилаётган бошқарув усуллари ва хизмат кўрсатиш турларини тизимли ўрганиш ва бу борадаги янги валюта манбаларини излаб топиш мақсадга мувофиқдир.

Туризм жаҳоннинг кўпчилик давлатларида ягона тизим сифатида ривожланмокда ва мамлакатлар бюджетига салмоқли даромад келтиради. Туризм нафақат энг йирик балки жаҳон иқтисодиётининг энг динамик холатда ривожланаётган секторларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳукуматимиз туризмга алоҳида эътибор қаратиб, туристик меҳмонхоналарни жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш ва янги замонавий меҳмонхоналарни бунёд этиш каби муҳим вазифаларни белгилаб олди ҳамда бу соҳага катта сармоялар жалб этди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир қатор жаҳон андозалари талабларига тулиқ жавоб берадиган меҳмонхоналар қурилиб, ишга туширилди.

Туристлар сонининг купайиши, улардан тушган даромаднинг ортиши ҳамда харажатларнинг камайиши туризм соҳаси бошқаруви самарадорлигининг ошиши эвазига булмокда. Шунинг учун ҳам, ўзининг туристик ресурлари билан машхур Самарканд шаҳрида, туризм соҳасини, жумладан, туристик ташкилотларда молиявий ресурсларни бошқаришни тўғри йўлга қўйиш долзарб муаммолардан бири бўлмоқда.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади туристик ташкилотларнинг молиявий ресурларини бошқариш ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўлларини ўрганиш буйича илмий - услубий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун куйидаги вазифаларни ечиш керак булади:

- 1) Туристик ташкилотларнинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича назарий маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш;
- 2) Туристик ташкилотларда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таҳлили;
- 3) Самарқанд шаҳидаги "Алижон" туристик фирмасининг фаолиятини ҳамда молиявий кўрсаткичларини ўрганиш;
- 4) Туристик фирмаларда молиявий ресурсларни бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иш: кириш, уч асосий боб дан ҳамда хулоса ва таклифлардан иборат.

Биринчи боб "Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларни бошқаришнинг назарий масалалари" деб номланиб, унда туристик фирмалардаги молиявий ресурсларнинг тавсифи, уларнинг манбалари тугрисида тушунча ва уларни такомиллаштириш адабиётлар руйхатида келтирилган маълумотлар ёрдамида таҳлил килинган.

Иккинчи боб "Самарқанд шаҳридаги "Алижон" туристик фирмасининг молиявий ресурлари ва уларнинг бошқариш самарадорлиги таҳлили" деб номланиб, ушбу боб Самарқанд шаҳридаги "Алижон" туристик фирмасининг техник, иктисадий ҳамда молиявий кўрсаткичларни ўрганишга бағишланган.

Учинчи боб "Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларни бошқариш йўлларини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари" деб номланиб, ушбу бобда туристик фирмалардаги молиявий кўрсаткчилари самарадорлигини ошириш йўллари буйича илмий - услубий таклиф ва тавсияларга бағишланган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса ва таклифлар бўлимида барча олинган маълумотлар умумлаштирилган ҳамда тизимлаштирилган.

Битирув малакавий иши таркибий тузилиши 61 бет босма шаклида, 8 та жадвал, 6 та расм ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-Боб. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларни бошқаришнинг назарий масалалари**

### **1.1. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларнинг манбалари**

Туристик ташкилотлар ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун турли эхтиёжларнинг қопланишини таъминловчи пул маблагларига эгадирлар. Пул маблаглари уларнинг ихтиёрига турли манбалардан тушади ва улар айланиш жараёнида молиявий ресурсларга айланади.

Туристик ташкилотнинг молиявий ресурслари - бу туристик ташкилотнинг пул даромадлари, тушумлари ва жамғармалари мажмуасидан иборат бўлиб, улардан ташкилотнинг фаолиятини таъминлаш, ташкилотни ривожлантириш ёки унинг ўрнини туристик хизматлар бозорида саклаш, шунингдек айрим ижтимоий масалаларни ҳал килиш учун фойдаланилади.

Молиявий ресурсларнинг дастлабки шаклланиши туристик ташкилотни таъсис этиш пайтида, устав капитали (фонди) тузилганида руй беради. Устав капитали шаклланишининг манбалари хўжалик юритишнинг қандай ташкилий -хукуқий шаклига эга эканлигига боғлиқ бўлади, яъни у ташкилот акционерлик жамияти, кооператив, давлат корхонаси, бирлашма ва бошقا хукуқий шаклдаги корхона бўлиши мумкин.

Шунга кўра туристик ташкилотлар устав капиталининг қўйидаги манбаларини ажратиш мумкин: акционерлик капитали, кооперативлар аъзоларининг пай бадаллари, тармоқ молиявий ресурслари, узоқ муддатли кредит, бюджет воситалари (маблаглари).

Устав фонди катталиги шундай пул маблаглари ҳисобланадики, улар - асосий ва айланма маблағлар микдорини кўрсатиб, туристик ташкилотнинг бошқа устав фаолиятини амалга ошириш жараёнида инвестициялашган бўлади. Бу ҳолда устав фонди минимал микдори, унинг ташкил этилиши ва фойдаланишининг хусусиятлари, мол-мулкнинг хукуқий шакли, хўжалик хамкорлиги, банк, сугурта жамиятлари шаклида таъсис этиладиган айрим

кўринишдаги туристик ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаш, Фукаролик кодекс ва бошқа қонунчилик хужжатлари бўйича тартибга солинади. Хўжалик юритувчи устав фондига ҳиссаси пул, қимматли қоғоз, мол-мулқ, мулқ хуқуқи, шу жумладан интеллектуал мулқ кўринишида бўлиши мумкин.

Туристик ташкилот молиявий ресурсларини ташкил этишнинг асосий манбаси бу ташкилот устав фаолиятига дахлдор товарларни (ишлар, хизматларни) сотишдан тушадиган даромаддир. Хизмат кўрсатишдан тушган даромаднинг ўсиши туристик ташкилотлар молиявий ресурслари ўсишининг асосий шартларидан биридир.


Пул маблағларининг тўпланиш манбаларига кўра туристик ташкилотлар молиявий ресурсларининг қўйидаги шакллари ва кўринишлари шаклланади: пул даромадлари, пул жамғармалари ҳамда пул тушумлари.

Туристик ташкилотларнинг пул даромадлари асосан кўрсатилган хизматлар ҳамда бажарилган ишлардан тушган тушумлар кўринишида бўлади. Бундан ташқари туристик ташкилот товарларни сотишдан ҳам пул даромадалари олиши мумкин

Фойда ташкилотнинг молиявий - хўжалик фаолиятининг жуда муҳим кўрсаткичи ҳисобланади Унинг абсолют қийматидан, динамикасидан, харажатлар ёки хизмат кўрсатишдан тушган тушум орасидаги муносабатларнинг таҳлили ташкилотнинг молиявий аҳволини баҳолаш учун, шу жумладан инвестициялар, банк кредита тўғрисида карор қабул қилишда фойдаланилади. Фойданинг муҳим кўрсаткичи рентабелликдир.

Ташкилот рентабеллиги ташкилот фойдасидан фарқли ўлароқ унинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини аниқлайдиган кўрсаткич ҳисобланади. Рентабеллик - корхонанинг даромадлилик даражасини акслантирувчи нисбий кўрсаткичдир. Бозор иктисодиётида рентабелликнинг бир қатор кўрсаткичлари тизими мавжуддир.

Туристик фирманинг молиявий ресурслари 1 - расмда келтирилганидек асосан уч хил манбалардан шаклланади, яъни:



**1-расм. Туристик фирманинг молиявий ресурслари манбалари таркиби.**

- Туристик ташкилотнинг хусусий ва унга тенглаштирилган молиявий манбалари;
- Қарз маблағлари манбалари;
- Қайта тақсимлаш тартибида келиб тушган маблағлар манбалари.

Туристик ташкилотнинг хусусий ва унга тенглаштирилган молиявий манбаларига Туристик фирманинг фойдаси, Амортизация ажратмалари, Низом фонди ташкил этилаётган пайтдаги таъсисчиларнинг тушумлари, Низом фондига қўшимча пай ва бадаллар, Турғун пассивлар (турғун кредиторлик қарзи) ҳамда бошқа манбаларни киритишимииз мумкин.

Қарз маблағлари манбаларига Банк ҳамда бошқа кредит ташкилотлари кредитлари, Бошқа тадбиркорлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган қарзлар, факторинг, лизинг, ҳамда бошқа манбаларни киритишимиз мүмкін.

Қайта тақсимлаш тартибида келиб тушган маблағлар манбаларига Бўлган ўтган хавф – хатарлар бўйича суғурта тўловлар, Бирлашма, ассоциация ва шу кабилардан келиб тушган пул маблағлари, Турли хил даражадаги бюджетлардан маблағлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар маблағларини киритишимиз мүмкін.

## **1.2. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларнинг моҳияти ҳамда уларнинг шаклланиши**

Ташкилот молавий ресурслари унинг ихтиёрида бўлган пул маблағларини ўзида акс эттиради. «Молиявий ресурслар» тушунчасини турли хил тавсифлари мавжуд. Айрим муаллифлар уни корхона пул маблағлари дейишади, аммо кўп холларда молиявий ресурслар деганда, пул маблағлари, қимматли коғозлар ва бошқа моддий бойликлар мажмуи тушунилади. Улар корхонанинг жорий фаолиятини молиялаштириш, уни кейинги ривожи учун, корхонада ижтимоий муаммолар ҳал қилиш ва бошқа бозор субъектлари олдидағи мажбуриятларни бажариш учун мўлжалланган.

Молиявий ресурсларни шаклланиши бир қатор манбалар ҳисобига амалга оширилади.

- Ўз маблағлари ва уларга tenglashтирилган маблағлар ҳисобига шакллантирилган молиявий ресурслар (асосий фаолиятдан даромад, амартизациян ажратмалар, пай ва бошқа бадаллар киради);
- Қарзга олинган маблағлар ҳисобига шакллантирилган молиявий ресурслар (облигациялар чиқариш ва уларни сотишдан келган маблағлар, банк кредитлари, факторинг, молиявий лизинг ва бошқалар);

- Қайта тақсимлаш тартибida келиб тушадиган молиявий ресурслар (суғурта тўловлари, концерн ассоциациялардан маблағлар, бюджет маблағлари ва бошкалар )

Ўз молиявий ресурслар, ташки ва ички манбалар ҳисобида шаклланади. Ички манбалар таркибида асосий ўринни даромад эгаллайди, у корхона ўз капиталини тўлдирувчи асосий манба ҳисобланади.

Корхона ўз капитали ташкилот маблағларини умумий қийматини тавсивлади.

Ўз капитали таркибида унинг қуидаги асосий элементлари кўрсатилади: Устав капитали, қўшимча капитал, резерв капитали, тақсимланмаган даромад ва бошка резервлар.

Корхона Устав капитали – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ва унинг фаолияти учун зарур булган, таъсисчиларнинг маблағларининг ilk суммасидир. Унинг ҳажми фирма мулкининг минимал ҳажми билан белгиланади. Амалдаги қонунга асосан устав капиталининг минимал ҳажми қуидагича белгиланган:

Чет эл инвестицияли корхоналар, очиқ турдаги акционерлик жамиятлари, давлат ва муниципол корхоналар учун-минимал ойлик, иш хаққининг 1000 баробари.

Бошка ташкилий - ҳуқуқий шаклдаги корхоналарда, шу жумладан ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари учун- бир ойлик минимал маошнинг 100 баробари.

Қўшимча капитал – бу ўз моҳияти бўйича устав капиталга қўшимчадир, у ўз ичига асосий воситаларни қайта баҳолаш суммасини тарқатилган аксияларни номинал қийматидан олинган суммани эммиссион даромадни, шунингдек белгиланган тартибда ўтказилган, яроқлилик муддати 12 ойдан юқори бўлган ташкилотни моддий обьектларини қайта баҳолаш суммаларини олади. Шу қаторда юзага келадиган курс ўзгаришлари ва бошқа шунга ўхшаш элементларни ўз ичига олади.

Кўшимча капитални ишлатиш қўйдаги ҳолларда қул келади:

- а) активларни кайта баҳолаш натижалари бўйича активларни қийматини пасайиш суммаларини қоплаш;
- б) қўшимча капиталдан корхонанинг тақсимланган фойдасига уларни қайта нархлаш суммаларига ўтказилган, асосий маблағларни объектларининг чиқиб кетиш;.
- в) маблағларни устав капитални кўпайтиришига қаратиш;
- с) ташкилот таъсисчилари ўртасида сўммаларни тарқатиш.

Захира капитали (захира фонди) - капитални бу қисми, заарларни қоплаш, жамиятни облигацияларини ёпиш, бошқа маблағлар йўқлигига ўз акцияларини сотиб олиш учун мўлжалланган. Резерв фонди бошқа мақсадларда ишлатилиши мумкин эмас.

Унинг йўқлиги ёки хажмининг кичиклиги, ушбу корхонага капитал қўйилмалар, хатарга қўшимча омил сифатида кўрилади. Захира капиталини хажмига қараб, корхона молиявий мустаҳкамлиги тўғрисида фикр туғилади. Корхонанинг ташкилий хуқуқий шаклидан келиб чиқсан ҳолда захира фондларини яратиш қонунларда назарда тутилган. Қайта тақсимланмаган фойда - бу солиқлар тўлангандан ва дивидентлар тўлагандан кейин, ривожланиши учун, қайта инвестициялаш мақсадларида қолган корхонанинг фойдасидир. Бу фойда тўпланиши учун йўналтирилган бўлса кейинчалик корхонани ривожлантириш учун ишлатилади, истеъмолга қаратилган бўлса ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ишлатилади. Ўз молиявий ресурсларни шакллантиришда ташқи маблағлар ичida асосий рол акцияларни қўшимча эмиссияси берилган, чунки у орқали корхонанинг акционерлик жамиятининг капиталини ошириш юз беради. Ташқи ўз молиявий ресурслар таркибида корхонанинг айрим фондларини ажратиш лозим, улар олдин мустаҳкам пассивларга тегишли эди (жаҳон тажрибасида шунга ўхшаш фондлар қўйилмалар счёtlари деб аталади). мустаҳкам пассивлар бу корхонага тегишли булмаган, аммо унинг айланмасида доимо мавжуд булган, жалб килинган маблаглардир. Бу маблаглар минимал колдик

суммасида ташкилотни айланма маблагларини шакллантириш манбалари сифатида ишлатилади. Шундай килиб, жалб килинган маблаглар- бу корхонага тегишли булмаган, лекин карзга олинган маблаглардан фаркли, хеч кандай кредит шартномалари билан расмийлаштирилмайдиган ва одатда бефоиз ишлатиладиган маблаглардир. Мохияти буйича бу мустахкам кредит карздорлигидир;иш хаки ва нобюджет фонdlарига ажратмалар буйича минимал карздорлик;келгуси харажатлар ва туловларни коплаш учун резервлал буйича минимал карздорлик; бюджет олдида соликлар буйича минимал карздорлик ва бошкаклар. Бу фонdlар юкорида айтиб утилган туловлар учун мулжалланган пул маблаглари тушуми ва уни туланиш муддати уртасида бир неча кун мавжуд, улар давомида курсатилган маблаглар ташкилот айланмасида мавжуд булиб, узининг йуналиши буйича ишлатилмаслиги билан келиб чиккан.

Бозор иктисодиёти шароитида корхона ишлаб чикириш хужалик фаолиятини карзга олинган маблагларисиз тассаввур килиб булмайди. Карзга олинган маблаглар - бу кредитлар заёмлар банк ва бошка ташкилотлардан олинган вақтингчалик молиявий ёрдамдир. Агарда жалб килинган, карзга олинган маблаглардан тугри, самарали фойдаланилса, амалга оширилаётган хужалик оператсияларини купайиши даромадлар усиши, уз капиталининг рентабеллигини ошишига имкон беради, чунки нормал шароитларда карзга олинган маблаглар, уз молиявий ресурсларга нисбатан арzon манба хисобланади. Бундан ташкари, карзга олинган маблагларни жалб килиш мулк эгалари,молиявий менеджерларга назоратдаги молиявий ресурслар хажмини анчагина ошириш имконини беради, яъни корхонанинг инвестицион имкониятларини кенгайтиради. Аммо карз буйича харажатлар хажми, карзга олинган маблагларни ишлатишдан келадиган күшимча даромадлардан ошса, корхонада молиявий холат ёмонлашади. Карзга олинган маблаглар мавзусида тухтар эканмиз, карз капиталини айтиб утишимиз жоиз. Карз капитали - бу корхонага берилган ва фойда келтирадиган карзга берилган маблағлар (пул маблағлари, моддий бойликлар) мажмуuidир. Бошқача қилиб айтганда

корхонада ишлатиладиган қарз маблағлар унинг молиявий мажбуриятлар ҳажмини тавсифлайди. Кредит - кредит шартномаси бўйича банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) қарз оловчига пул маблағларини (кредит)ни шартномада кўрсатилган шартлар ва ҳажмда бериш мажбуриятини олади, қарз оловчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва фоизларни тўлаб бериш мажбуриятини олади. Қарз муддатига қараб кредитлар қисқа муддатли (1йилгача) ўрта муддатли (1 йилдан 3 йилгача) ва узок муддатли (3 йилдан ортиқ)га бўлинади. Кредит беришдан олдин банк корхонанинг тўлов қобилятини таҳлил килади. Корхона тўлов қобиляти деганда унинг кредит олиш ва ўз вақтида қайтариш учун имкониятлари мавжудлиги тушунилади. Корхонанинг кредит қайтариш қобиляти, унинг олдин олинган кредитлари бўйича хисоб китоблари, жорий молиявий ҳолати билан ўлчанади. Ҳар қайси банк корхонанинг кредит қайтариш қобилятини баҳолашни ўзининг тизимиға эга. Бу банк тижорат сири хисобланади. Одатда баҳолаш тизимида кредит қайтариш қобилятининг 3 та категорияси ишлатилади: ишончли (тўлов қобилятига эга ) мустахкам бўлмаган (чекланган тўлов қобилятига эга) ишончсиз (тўлов қобилятига эга бўлмаган). Ишончли деб топилган қарз оловчи умумий шартлар билан кредит билан таъминланади. Бу ҳолда кредитлашнинг имтиёзли тартиби кўлланилиши мумкин. Агарда қарз оловчи мустахкам бўлмаган мижоз деб топилса, кредит шартномасини тўзишда унинг фаолияти ва кредит қайтарилиши устидан қўшимча назорат меъёрлари кўзда тутилади. (масалан гаров, кафолатлар ва бошқалар керак бўлади). Агарда корхона ишончсиз мижоз деб топилса кредит шартномасида кўзда тутилган маҳсус шартлар асосида пул маблағларини банк бериши мумкин. Корхонани толов қобиляти таъминланмаганлигини асосий сабаблари бўлиб дебиторлик карздорлик, мажбуриятлар бузилиши, хўжалик фаолиятини паст самарадорлиги ва бошқалар ҳисобланади. Банклар асосан қисқа муддатли кредитлар беришади. Бу кредитлар жорий оператцияларни молиялаштириш, корхоналарни ликвидлигини ушлаб туриш учун ишлатилади. Узок муддатли кредитлар асосан, капитал қурилиш, реконструкция ва бошқа капитал

кўйилмалар бўйича харажатларни молиялаштиришда ишлатилади. Шунинг учун узоқ муддатли кредит олиш одатда карз олувчини келажакда олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш имкониятини исботловчи иқтисодий ҳисоб китобларни банкка тақдим қилиш билан белгиланади. Ундан ташқари, кредит шартномаси, кредитни мақсадли ишлатишни назарда тутиши мумкин. Товар кредити – бу шартнома, бир томон иккинчи томонга айрим товарларни беришни назарда тутади (товар кредити шартномаси). Тижорат кредити – бу аванс, олдиндан тўлов, иш ёки хизматлар қўринишида кредитни бериш тушунилади.

### **1.3. Туризм ташкилотларидағи молиявий режалаштириш молиявий ресурслардан фойдаланишинг муҳим омили сифатида**

Туристик ташкилот молиявий ресурларидан самарали фойдаланиш имконияти фақатгина хўжалик субъектининг барча молиявий ресурларини, уларнинг манбаларини ва муносабатларини режалаштирган ҳолда мумкин бўлади.

Молиявий режалаштириш ташкилотнинг ички режалаштириш ҳамда бошқарувнинг молиявий механизми таркибий қисмидир.

Молиявий режалаштириш ташкилот келажакда молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ривожи учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш бўйича меъёрий кўрсаткичлар ва молиявий режалар тизимини ишлаб чиқиш жараёнини ўзида акс эттиради, у ўз таркибида турли хил манбалардан олинган ресурсларни керакли ҳажмда шакллантириш ва ушбу ресурсларни ташкилотнинг керакли жойида ва вақтида жойлашувини таъминлайди.

Туристик ташкилотларда молиявий режалаштиришнинг қўлланилиши бир қатор омилларга боғлиқ. Жамият ҳаётидаги барча соҳаларда глобал ўзгаришлар, туристик хизматлар бозоридаги ноаниқликнинг юқори даражаси, жиддий, молиявий тўловларни амалга ошириш учун молиявий

имкониятларга эга бўлган корхоналарнинг камлиги билан боғлик. Бундай шароитда самарали молиявий режалаштириш фақатгина кўп маблағга эга бўлган йирик компанияларга хос бўлади.

Молиявий режалаштиришнинг асосий мақсади, режалаштириш даврида харажат қилинадиган капитал ва резервларни, молиявий ресурслар ҳажмини, молиявий кўрсаткичларни режалаштириш асосида аниқлашдир. Шу билан биргаликда туристик ташкилотнинг ҳаёт циклига боғлик ҳолда, молиявий режалаштириш мақсади бўлиб, туристик ташкилот хизматлари ҳажмини, даромадини ҳамда ташкилот эгалари мулкини максималлаштириш ҳисобланади.

Туристик ташкилот молиявий режалаштиришининг асосий масалалари қўйидагилар ҳисобланади:

- молиявий, инвестицион ва тезкор фаолиятни керакли молиявий ресурслар таъминлаш;
- самарали капитал қўйилмаларни аниқлаш ва ундан рационал фойдаланиш даражасини аниқлаш;
- пул маблағларидан тўғри фойдаланиш ҳисобига даромадни, хўжаликнинг ички заҳираларининг ошишини аниқлаш;
- бюджет, банклар ва контрагентлар билан рационал молиявий муносабатларни ўрнатиш;
- акционерлар ва бошқа инвесторлар манфаатларини кўзда тутиш;
- туристик ташкилот молиявий ҳолати, тўлов қобилияти устидан назорат.

Молиявий режалаштириш тавсифи ва тартибини унинг қўйидаги тамойиллари белгилайди:

- бошқарувнинг умумий тизимига интеграциялашув ҳамда ташкилотнинг ривожланиш умумий стратегиясига бўйсўниш тамойили;
- молиявий муддатлар нисбати тамойили – маблағларнинг олиниши ва қўлланилиши белгиланган муддатларда юз бериши лозим;

- тўлов қобилияти тамойили – пул маблағларини режалаштириш ҳар қандай вақтда корхонанинг тўлов қобилиятини таъминлаши лозим. Бу ҳолатда корхонада қисқа муддатли мажбуриятларни қайтариш учун ликвид маблағлар ҳажми етарли бўлиши керак;
- капитал қўйилмалар рентабеллиги тамойили – капитал қўйилмалар учун энг арzon молиялаштириш усулларини танлаш лозим (молиявий лизинг, банк инвестицион кредити ва ҳ.к.лар);
- хатарлар баланси тамойили – узоқ муддатли хатарли инвестицияларни ўз маблағлар ҳисобига молиялаштириш мақсадга мувофиқдир;
- бозор талаби ҳисоби тамойили – ташкилот учун бозор конъюнктурасини, унинг ҳажмини, рақобатчиларнинг фаолиятини ҳисобга олиш муҳимдир;
- юқори рентабеллик тамойили – кам хатарли ва максимал фойдани таъминловчи маблағли қўйилмаларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий режалаштириш маркетинг, ишлаб чиқариш ва корхонанинг бошқа режалари билан боғлиқ ва уларга суннади, ташкилотнинг умумий стратегиясига бўйсўнади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай молиявий башоратлар ишлаб чиқариш ва маркетинг қарорлари ишлаб чиқилмасдан амалий аҳамиятга эга бўлмайди. Ундан ташқари, агарда мақсадли молиявий кўрсаткичларга эришиш шартлари узоқ муддатли келажакда ташкилот учун қулай бўлмаса, молиявий режалар хаққоний режалар бўла олмайди.

## **II-Боб. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” турристик фирмасининг молиявий ресурслари ва уларнинг бошқариш самарадорлиги таҳлили**

### **2.1. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” турристик фирмасининг молиявий ресурслари ҳолати таҳлили**

Замонавий жаҳон иқтисодиётида туризм жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонинг жаҳон маданиятидаги тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳани ривожланатириш нафакат миллий балки, ҳалқаро аҳамиятга эгалигини аниқлаш қийин эмас. Мамалакатимиз ўзининг мустақил ижтимоий – иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасидаги иқтисодиётни таркибий ўзгариш ва табақалаш стратегиялари замирида туризм соҳасини замонавий стандартлар асосида шакллантириш, маҳаллий туристик ресурсларини йўналтириш, туристик комплексларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, инфраструктура ва жумладан тадбиркорликнинг барча соҳаларида, чунончи хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам эркин фаолият юритиш билан ифодаланади.

Зеро, айнан хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг иштироки изчил ошиб бораётгани учун миллий ва жаҳон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бирига айланайтганидан далолатдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг устувор қонунчилик асослари уни ҳуқуқий тартибга солишининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан мамалакатимизда амалга оширилаётган 2009-2012 йилларга Жаҳон иқтисодий инкиrozига қарши чоралар дастурига белгиланган устувор вазифалардан бири, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва хаёт даражасини ривожлантиришлари керак. Президент И.А.Каримов томонидан Хусусий корхоналар кўшма корхоналарни ривожлантиришга жуда кучли эътибор қаратилган. У эса ўз навбатида бундай корхоналарнинг кўп бўлишлигини уларни қўллаб-

кувватлашни тақозо этади. Чунки хатто ривожланган мамалакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики иқтисодий ривожланиш тадбиркорлик корхоналар хусусий мулк эгалари иқтисодиётини ривожлантиришга ва муваффақиятга эришишга асосий туртки ҳисобланади. Мамлакатимизни модернезациялаш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ривожлантириш дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини хусусан туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор режалар амалга оширилиб келмоқда. Шундай хизмат кўрсатиш корхоналаридан бири Самарқанд шахрида фаолият кўрсатаётган Алижон туристик корхонасидир.

2005 – йилдан бошлаб бу туристик фирма фаолият олиб бормоқда. Асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси аҳолисини иш жойи билан таъминлаш, уларни турли хил маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш. Шунингдек, тадбиркорликдан даромад, фойда олишдан иборатдир. Жамиятнинг асосий мақсадини амалга ошириш учун қуидаги фаолият турларини амалга оширади. Республика, вилоятимиз миқёсида ички туризм ва ҳалқаро туризм билан шуғуланади. Бундан ташқари маҳаллий ва ҳалқаро ҳаво йўллари компаниялари билан шартнома асосида маҳаллий ва ҳалқаро йўналишлар бўйича чипталар сотиш буйича ҳам шуғуланади. Алижон туристик фирмаси персонали директор, бухгалтер, тур операторлар, транспорт бўлими ходимларидан иборат.

Туристик корхоналарнинг асосий маҳсулоти тур маршурутларнинг дастури хисобланувчи мамлакатга келишга тарқ этишгача булган барча хизматларни уз ичига оловчи тур маҳсулот хисобланади. Тур хизматларига қуидагилар киради:

- 1) меҳмонхона хизматлари;
- 2) траспорт хизматлари;
- 3) экскурсия хизматлари;
- 4) таржимонлик хизматлари ва бошқа хизматлар киради.

Мижозлар талаби асосида туристик маҳсулотини яратиш, овқатлантириш, жойлаштириш, траспорт хизматини кўрсатувчи корхоналар

билин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш корхона ҳамда ташкилотлар билан икки томонлама ҳамкорлик бўйича ишларни доимий тарзда олиб бориш йўлга қўйилган.

Алижон фирмаси асосан Германия, Эрон, Франция, Испания, МДҲ мамлакатлари, Япониядан ташриф буорган ҳориж фуқаролар билан иш олиб боради. Ҳорижий туристларга асосан маданий танишув турлари таклиф килмоқда. Улар тарихий архитектура, диний обидалар ва зиёратгоҳлар билан таниширилади. Маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти кўрсатилади. Бундан турлар давомида асосан Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги объектларга ташриф буоради. Бугунги кунда туризм иқтисодиётнинг ажралмас тармоғига айланган бўлиб, республикамизнинг жаҳон мамлакларини интеграциясида фаол иштирок этишига имкон туғдирмокда.

Ўзбекистонга келувчи ҳорижий фуқароларнинг аксариятини 74% хусусий мақсадларда саёҳат қилувчилар ташкил этади. Бизнес мақсадида келувчилар 14% бўлса, туристик мақсадда келувчилар 6%ни ташкил этади. Қолган 6% бошқа мақсадда келувчиларга тўғри келади. Туризм соҳасининг тараққиёти иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ҳисобланган. Траспорт ва алоқа хизматларининг ўсишига истеъмол товарларини ишлаб – чиқарувчининг кенгайишига, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг юксалишига шунингдек, ташқи савдо айланмасига ижобий таъсир қўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё республикалари орасида нисбатан катта туристик имкониятларга эга бўлиб ва бу соҳада рақобатга бардош бера оладиган ҳамда туризмни янада ривожлантириш учун потенциал имкониятларга эга мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бизга маълумки туристик бозор деганда туристик маҳсулотини сотувчилари ва харидорлари ўртасида иқтисодий муносабатлар юзага келадиган туристик маҳсулот сотишини юз берадиган соҳа тушунилади.


Иқтисодий муносабатларга асосланадиган бўладиган бўлсак туристик бозор деганда туристик маҳсулот ишлаб – чиқарувчилари, сотувчилари ва харидорлари муносабатларини ўзаро мослаштирувчи инструменти

тушунилади. Маркетингнинг туристик фирма истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари, қизиқишилари ва хизматлар ишлаб - чиқариш ва бу маҳсулотларни бозор шароитларини ҳисобга олиб сотишни бошқариш тизимиdir.

Туристик фирма даражасидаги маркетинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб - чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бозорда урнини тутиш ва фаолият кўрсатиш идеологияси бозорни татқиқ қилиш инструменти янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чикиш усули бозорда товарларни ҳаракати ва сотишни ташкил этиш усули нарх сиёсатини белгилаш бўлиб туристик фирма бозорни ўрганиш айрим хизматлар турига бўлган талабни, нархни ёрдамчи хизматларни аниқлаш хизматларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш маҳсулотини сотиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Туристик фирманинг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш қуйидаги босқичларда амалга ошириши тадқиқотини тўғри ўтказишини таъминлайди. Муаммоларни аниқлаш вазиятини холатини тахлил килишини утказиш тадқиқотларини утказиш схемасини ишлаб чикиш малумотларини туплаш малумотларини саралаш ахборотларини жадвал ва тахлил холатта курсатиш малумотларни шархлаш керакли карор кабул килиш ва хисбот тузи шва назоратини амалга оширишни уз ичига олади. Алижон фирмаси бугунги кунда чет эллик саёхларга етти хил йуналишдаги турларни тақдим килмокда. Булар бир-биридан ташкиллаштираётган саёхат кунларининг микдори, саёхатда фойдаланиладиган транспорти ва автотранспорт турлари саёхат йуналишлари курсатилган обеъктларининг турли туманлиги билан фарқланади. Туристик фирма ўз саёхларини «Афрасиёб Плас » отели, «Азия Самарқанд» меҳмонхоналарига жойлаштирилади.

“Алижон” туристик фирмаси томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида муайян бошқарув органи тузилган ва бошқариш поғоналари тизими, қуйи органлар юқори бошқарув тузилмасига бевосита бўйсинади. “Алижон” туристик фирмасининг бошқарув тузилмаси қуйидаги 2 – расм кўринишидан иборат.



**2-расм. “Алижон” туристик фирмасининг ташкилий тузилмаси.**

Ҳар қандай туристик фирманинг асосий кўрсаткичларидан бўлган сайдёхларни қабул қилиш динамикаси “Алижон” туристик фирмасида ҳам таҳлил қилинган даврда ўсган. Буни биз қуидаги жалвалда кўришимиз мумкин.

#### 1-жадвал

#### “Алижон” туристик фирмаси бўйича сайдёхларни қабул қилиш динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.
1.	Туристлар сони	883	1246	1282
2.	Шу жумладан, чет эллик туристлар	92	156	129
3.	МДҲ давлатларидан келган туристлар	15	50	58
4.	Маҳаллий туристлар	776	1040	1095

Жадвал малумотларидан кўриниб турибдики 2009-2011 йилларда жами ташриф буюрган туристлар сони 145,2 фоизга ёки 1,5 мартага ёки 399 кишига ошган. Жами келган саёхлардан 129 кишини узоқ ҳориж давлатлардан туристлари ташкил этади чет эллик саёхларни жалб қиласди. Бундан ташқари Алижон туристик фирмаси МДҲ мамлакатларидан ҳам саёхларни қабул қиласди.

## **2-жадвал**

### **Хорижий меҳмонхоналарга хизмат кўрсатиш динамикаси**

Кўрсатгичлар	2009 й	2010 й	2011 й	2011 йил 2009 йилга нисбатан, %
Кўрсатилган хизматлар хажми	54507,3	185854,1	285590	5,2 марта
Фойда	8069,1	14868,3	64414,4	7,9 марта

Жадвал малумотларидан кўриниб турибдики 2009-2011 йилларда Алижон фирмасининг иқтисодий кўрсатгичлари мунтазам ошиб борган. Туристик фирма орқали келадиган мижозларга кўрсатилган хизматлар хажми 5,2 мартага фойда кўрсатгичи эса 7,9 мартага ошди. Самарқандга Алижон фирмаси орқали келадиган ҳорижий фуқароларни Испания, Россия, Эрон, Франция давлатлари етказиб беради. Бизга маълумки маркетинг микс маркетингда энг кўп қўлланиладиган атамадир ва шу билан бирга маркетинг тадбирларини қўллашдаги энг муҳим воситалардан биридир.

Агар Алижон фирмасини маркетинг микс назарияси бўйича таҳлил қиласдиган бўлсак компания бу борада аниқ дастурга эга. Одатда маркетинг микс қўйидаги тўрт фаолиятни ўз ичига олади. Маҳсулот туристик корхонанинг асосий маҳсулоти тур маршрутининг дастури ҳисобланувчи мамлакатда келишдан то кетишгача бўлган барча хизматларни ўз ичига оловчи тур маҳсулот ҳисобланади. Тур хизматларига куйидагилар киради: транспорт хизматлари, аэропорт, меҳмонхона, темирйўл вокзали ва

бошқалар, жойлаштириш вазифалари 3-4 юлдузли меҳмонхоналар ёки маҳаллий аҳоли хонадонлари, овқатлантириш хизмати туристнинг ҳохишига кўра ярим ёки тўлиқ пансион, гид хизмати, маршрутнинг бошидан ёки охиригача ёки фақат экскурсия давомида экскурсиялар ва кириш чипталари нарх тур маҳсулотга нарх белгилаш туристни эҳтиёжларидан келиб чикиб белгиланади. Хизматларни қайси категориясини танлайди, кандай овқатланиш хизматидан фойдаланади, гид хизмати ёки овқат, шахар бўйлаб саёҳат бўлиши мумкин танланган хизматлардан келиб чиқиб ҳар бир кишига бу нархи белгиланади бугунги кунда 10 ва ундан ортиқ саёҳлар бўлганда бир кунлик харажатлар 70 доллардан 120 долларгacha ташкил этади. Қишда маршрутларда кунлик харажатлар ошади ва аксинча узоқ масофадаги маршрутларда эса харажатлар қисқаради.

Сифатли маҳсулот тайёрлаш лозимки уни сотиш қулай бўлсин. Дарҳақиқат маҳсулот ишлаб-чиқариш билан у албатта фойда келтиради деган маънони ҳали асло билдирамайди. Илгари хужалик раҳбарларининг вазифасини асосан жами ресурсларни ишлаб чиқариш талаблари билан мувофиқлаштиришдан иборат эди, яъни корхона ўзи ҳоҳлаган маҳсулотни ишлаб чиқарар ва ҳамма эътиборини уни сотишга қаратади. Маркетингни мақсади эса бозорнинг мавжуд ва келгусида истеъмол қилаётган имкониятларини ҳамда сифат жиҳатидан тўғри баҳолашдан, сўнгра унга таяниб бутун кучини ўз маҳсулотига ва эҳтиёжини кучайтиришга харидорга маҳсулотни шунингдек, кўрсатиладиган тегишли хизмат турини танлаш имконини яратган ҳолда маҳсулотни сотишга қаратишдан иборат.

3-жадвалда “Алижон” фирмасининг 2009-2011йилларда саёҳатлар ташрифи тўғрисидаги маълумоти берилган бўлиб, охирги 3 йил ичida саёҳларнинг асосий оқими Европа давлатларидан келган. Ўзбекистон жаҳон туристик бозорида алоҳида бозор сегментларини шакллантиради. 2009-2011йилларда Алижон туристик фирмасининг хизмат кўрсатган саёҳларнинг ташриф буюрган давлатлари уларнинг келиш фоизлари, ҳиссаси ушбу жадвалда кўрсатилган.

**Алижон фирмасининг 2009-2011йилларда саёҳатлар ташрифи  
тўғрисидаги маълумоти**

Давлатлар	2009й	2010 й	2011й	2011 йил 2009 йилга нисбатан
Германия	22	34	38	111,8
Франция	18	32	24	133,3
Испания	16	24	18	112,5
Япония	12	20	16	133,3
Эрон	14	22	18	128,6
Россия	10	24	15	150
Жами:	92	156	129	909,7

2011-йилда эса 2010-йилга нисбатан саёҳлар ташрифи анча камайган. Фирма мижозларининг энг кам улуши Япония ва Россия саёҳларига тегишли. Улар фирма бутун мижозларининг 12% ни ташкил этади. Келаётган саёҳларнинг кўпчилик қисми юкори ривожланган давлатлардан келган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики Алижон туристик фирма фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Самарқанд вилоят худудий туристик бозори тарихан туристик ресурсларга архитектура ёдгорликларига бойлиги билан нафақат мамлакатимизда балки Марказий Осиёда ҳам ўзининг жозибадорлиги билан ажralиб туради. Шу сабабли вилоятда туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор режалар амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз модернизациялаш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ривожлантириш дастурларида хизмат кўрсатиш соҳасини хусусан туризмни ривожлантириш энг долзарб масала деб белгиланган.

## **2.2. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасининг молиявий кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Ҳар бир туристик ташкилотда ҳам корхоналардаги каби иқтисодий барқарорлигини таъминловчи муҳим молиявий кўрсаткичларга эга бўлади. Ташкилотнинг ривожи ҳам айнан шу кўрсаткичларнинг қай даражада ўзгаришига боғлиқ. Биз қўйида таҳлил қилган “Алижон” туристик фирмасининг молиявий кўрсаткичлари айнан шу корхонанинг ривожида муҳим аҳамият касб этади. Буларга энг аввало ташкилот томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми, кўрсатилган хизматлардан тушган даромад, фойда, даромадлар рентабеллиги, соф фойда рентабеллигини киритишимиз мумкин.


### **4-жадвал**

#### **“Алижон” туристик фирмаси бўйича сайёҳларга хизмат кўрсатиш динамикаси**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2009 й.</b>	<b>2010 й.</b>	<b>2011 й.</b>	<b>2011 йил 2009 йилга нисбатан %</b>
1.	Туристлар сони	883	1246	1282	145,2
2.	Шу жумладан, чет эллик туристлар	92	156	129	140,2
3.	МДҲ давлатларидан келган туристлар	15	50	58	386,6
4.	Маҳаллий туристлар	776	1040	1095	141,1

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, “Алижон” туристик фирмаси 2009 йилда жами 883 нафар туристларга хизмат кўрсатилган, жумладан, 92 нафар чет эллик, 15 нафар МДҲ давлатларидан келган туристлар ҳамда 776 нафар маҳаллий туристларга хизмат кўрсатилган. 2010 йилда “Алижон”


туристик фирмаси жами 1246 нафар сайёхларга хизмат кўрсатган, жумладан, 156 нафар чет эллик туристлар, 50 нафар МДХ давлатларидан келган туристлар, 1040 нафар маҳаллий туристларга хизмат кўрсатилган. “Алижон” туристик фирмаси томонидан 2011 йилда жами 1282 нафар сайёхларга хизмат кўрсатилган бўлиб, улардан 129 нафари чет эллик сайёхлар, 58 нафари МДХ давлатларидан келган сайёхлар ҳамда 1095 нафари маҳаллий туристлардан иборат бўлган. “Алижон” туристик фирмаси томонидан жами сайёхларга кўрсатилган хизматлар 2011 йил 2009 йилга нисбатан 145,2 % бўлган, чет эллик туристлар 140,2 % ни, МДХ давлатларидан келган туристлар 386,6 % ни ҳамда маҳаллий туристлар 141,1 % ни ташкил қилган. Ушбу ўзгариш динамикасини қуидаги гистограмма орқали ифодалашимиз мумкин.



**2-расм. “Алижон” туристик фирмаси бўйича 2009 – 2011 йилларда туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси.**

“Алижон” туристик фирмасининг 2011 йилда сайёхларнинг қабули географияси қуидаги диаграммада акс эттирилган (3-расм).

**"Алижон" туристик фирмасининг 2011 йилда туристлар  
қабулининг географияси**



**3-расм. “Алижон” туристик фирмасининг 2011 йилда туристлар  
қабулининг географияси.**

Диаграммага мувофиқ 2011 йилда ташриф буюрган жами сайёхларнинг 10,0% и чет эллик туристлар, 4,5% и МДХ давлатларидан келган туристлар ҳамда 85,4% и маҳаллий туристлар бўлган.

Алижон туристик фирмасининг 2009-2011 йилларда чет эл ҳамда МДХ давлатлари сайёхлари ташрифи тўғрисидаги маълумот қўйида келтирилган бўлиб, унда ҳар бир давлатнинг умумий ҳисобдаги ҳиссаси ҳисоблаб чиқилган (5-жадвал).

**5-жадвал.**

**«Алижон» туристик фирмасининг 2009-2011 йилларда сайёхлар  
ташрифи тўғрисидаги маълумот**

Давлатлар	2009 й.	хиссаси %	2010 й.	хиссаси %	2011 й.	хиссаси %	2011 йил 2009 йилга нисбатан
Германия	22	24	34	22	38	29	111,8
Франция	18	20	32	21	24	19	133,3
Испания	16	17	24	15	18	14	112,5
Япония	12	13	20	13	16	12	133,3
Эрон	14	15	22	14	18	14	128,6

<b>Россия</b>	10	11	24	15	15	12	150,0
<b>Жами:</b>	92	100	156	100	129	100	140,2

«Алижон» туристик фирмаси 2009 йилда жами 92 нафар чет эллик сайёхларга хизмат кўрсатган бўлиб, жумладан Германиядан келган сайёхлар 22 нафарни, Франциядан келган сайёхлар 18 нафарни, Испаниядан келган сайёхлар 16 нафарни, Япониядан келган сайёхлар 12 нафарни, Эрон давлатидан келган сайёхлар 14 нафарни, Россиядан келганлар 10 нафарни ташкил этган. 2009 йилда энг кўп Германиядан келган сайёхлар бўлиб, улар жами келган чет эллик туристларнинг 24% ни ташкил этган.

«Алижон» туристик фирмаси 2010 йилда жами 156 нафар чет эллик сайёхларга хизмат кўрсатган бўлиб, жумладан Германиядан келган сайёхлар 34 нафарни, Франциядан келган сайёхлар 32 нафарни, Испаниядан келган сайёхлар 24 нафарни, Япониядан келган сайёхлар 20 нафарни, Эрон давлатидан келган сайёхлар 22 нафарни, Россиядан келганлар 24 нафарни ташкил этган. 2010 йилда сайёхларнинг энг қўпи Германиядан келган бўлсада, улар жами келган чет эллик туристларнинг 22% ни ташкил этган, бу эса 2009 йилга нисбатан 2% камайган.

«Алижон» туристик фирмаси 2011 йилда эса жами 129 нафар чет эллик сайёхларга хизмат кўрсатган бўлиб, жумладан Германиядан келган сайёхлар 38 нафарни, Франциядан келган сайёхлар 24 нафарни, Испаниядан келган сайёхлар 18 нафарни, Япониядан келган сайёхлар 16 нафарни, Эрон давлатидан келган сайёхлар 18 нафарни, Россиядан келганлар 15 нафарни ташкил этган. 2011 йилда сайёхларнинг энг қўпи Германиядан келган бўлсада, улар жами келган чет эллик туристларнинг 29% ни ташкил этган, бу эса 2010 йилга нисбатан 7% қўпайган. Аммо жами чет эллик туристларнинг сони 27 нафарга камайган, бу эса туристик хизматлар бозорида рақобатнинг кучайганидан далолат беради (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Алижон туристик фирмаси томонидан хорижий меҳмонларга хизмат  
кўрсатиш динамикаси**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2009 й.</b>	<b>2010 й.</b>	<b>2011 й.</b>	<b>2011 йил 2009 йилга нисбатан, %</b>
<b>1.</b>	Кўрсатилган хизматлар ҳажми	минг сўм	54507,3	185854,1	285590,0	5,2 марта
<b>2.</b>	Кўрсатилган хизматлардан олинган даромад	минг сўм	45362,4	140897,5	222565,2	4,9 марта
<b>3.</b>	Фойда	минг сўм	8069,1	14868,3	64414,4	7,9 марта
<b>4.</b>	Даромадлар рентабеллиги	%	83,2	75,8	77,9	93,6
<b>5.</b>	Соф фойда рентабеллиги	%	14,8	8,0	22,6	152,7
<b>6.</b>	Туристларнинг ўртacha бир кишисига тўғри келадиган хизматлар	минг сўм	61,7	149,2	222,8	3,6 марта


Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, “Алижон” туристик фирмаси томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 2009 йилда 54507,3 минг сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2010 йилда 185854,1 минг сўмни ташкил этган, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 285590,0 минг сўмни ташкил қилган. Бу эса туристик фирма молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиб юқори кўрсаткичларга эришган ва бу кўрсаткич 2011 йил 2009 йилга нисбатан 5,2

мартага ошган. Буни қуйидаги гистограммадан ҳам күришимиз мумкин (4-расм).




**4-расм. “Алижон” туристик фирмаси томонидан күрсатилған хизматлар ҳажми.**

“Алижон” туристик фирмаси томонидан күрсатилған хизматлар олинган даромад 2009 йилда 45362,4 минг сүмни ташкил этган, бу күрсаткич 2010 йилда 140897,5 минг сүмни ташкил этган, 2011 йилда эса бу күрсаткич 222565,2 минг сүмни ташкил қилған. Бу эса туристик фирма молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиб юқори күрсаткичларга эришган ва бу күрсаткич 2011 йил 2009 йилга нисбатан 4,9 мартаға ошган. Буни қуйидаги расмда ҳам күришимиз мумкин (5-расм).



**5-расм. Кўрастилган хизматлардан олинган даромад.**

“Алижон” туристик фирмаси томонидан кўрсатилган хизматлар олинган фойда 2009 йилда 8069,1 минг сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2010 йилда 14868,3 минг сўмни ташкил этган, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 64414,4 минг сўмни ташкил қилган. Бу эса туристик фирма молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиб юқори кўрсаткичларга эришган ва бу кўрсаткич 2011 йил 2009 йилга нисбатан 7,9 мартаға ошган. Бу албатта ташкилотнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланганлиги туфайлидир. Буни қуйидаги расмда ҳам кўришимиз мумкин (6-расм).



**6-расм. “Алижон” туристик фирмаси фойдаси.**

Ҳар бир туристик ташкилотнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири бу даромадлар рентабеллигидир. Уни аниқлаш учун қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$D_p = \frac{D_x}{X_x} \cdot 100\%$$

Бу ерда:  $D_p$  - даромадлар рентабеллиги,  $D_x$  - кўрсатилган хизматлардан олинган даромад,  $X_x$  - кўрсатилган хизматлар ҳажми.

“Алижон” туристик фирмасининг даромадлари рентабеллиги 2009 йилда 83,2% ни ташкил этган, бу кўрсаткич 2010 йилда 75,8% ни ташкил этган, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 77,9% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2011 йил 2009 йилга нисбатан 93,6% ни ташкил қилган.

Туристик ташкилотнинг соғ фойдаси рентабеллигини аниқлаш учун биз қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$C\Phi_p = \frac{\Phi}{X_x} \cdot 100\%$$

Бу ерда:  $C\Phi_p$  - соғ фойда рентабеллиги,  $\Phi$  - фойда,  $X_x$  - кўрсатилган хизматлар ҳажми.

Туристларнинг ўртача бир кишисига тўғри келадиган хизматлар ҳам ўсгани ҳолда, 2009 йилда бу кўрсаткич 1 нафар сайёхга 61,7 минг сўм, 2010 йил бу кўрсаткич 1 нафар сайёхга 149,2 минг сўм ҳамда 2011 йил бу кўрсаткич 1 нафар сайёхга 222,8 минг сўм тўғри келган.

## **III-Боб. Туризм ташкилотларида молиявий ресурсларни бошқариш йўлларини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари**

### **3.1. Туризм ташкилотларида молиявий ресурслар назоратини ташкил этишнинг аҳамияти**

Туристик ташкилотнинг молия назоратини ташкилот ичида ташкил қилинган иқтисодий хизматлар амалга оширади. Назорат обьекти эса, алоҳида ташкилотнинг молия ва хизмат кўрсатиш ҳамда алоҳида ташкилот таркибиға кирувчи тузилмавий бўлимлар ҳисобланади.

Молиявий назоратни амалга ошириш шакли қўйидагича бўлади: дастлабки, жорий ва сўнгги.

Молия назоратининг дастлабки шакли-юридик ва жисмоний шахсларнинг молия хўжалик жараёнини юргизишда муҳим аҳамият касб этиб, у корхона молия режасини ташкил қилишда, кўриб чиқиша ва тасдиқлашда, муассаса ва ташкилотларнинг даромадлар ва харажатлар сметаси, таъсис хужжатларини имзолашдан олдин амалга оширилиши лозим бўлган жараёнлар тартибидир. Шундай килиб, дастлабки назорат молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ижобий шартшароит яратиб беради. Молиявий назоратнинг бу шакли амалдаги қонунчилик ва норматив актлар бузилишининг олдини олишда хизмат қиласи.

Жорий молиявий назорат шакли хўжалик-молия операциялари жараёни орқали молия режалари бажарилаётган пайтда кўлланилади. Ушбу шаклнинг асосий аҳамияти хизмат соҳасидаги корхоналарнинг ички хўжалик резервларини излаш ҳисобидан жамғармани оширишга таъсир қиласи. Жорий молия назорати корхона, ташкилот ва мауссасаларнинг молия хизматлари орқали молия режаси бажарилаётганда, молиявий интизомлар бузилишининг олдини олиш мақсадида кундалик тадбирларни амалга оширади.

Молиявий назоратнинг сўнгги шакли-ҳисобот даври ва бутун молия иили тугагундан кейин амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндисидир. Бунда бюджетни ижро этишдаги давлат пул ресурсларини мақсадга мувоффик, харажат қилинганлиги, корхона ва ташкилотларнинг молия режасининг бажарилганлиги ҳамда бюджет муассасалари сметасининг бажарилиши натижалари текширилади. Сўнгги молия назорати дастлабки молия назорат шакли ўзаро боғликликдадир, чунки сўнгги назорат дастлабки назорати базасида амалга оширилади.

Молия назорати амалга ошириш усуллари бўйича ҳам фарқланиб, у қўйидаги усулларга бўлинади: текшириш, таҳлил ва тафтиш.

Текшириш усули орқали, ҳисобот, баланс ва харажат хужжатлари асосида корхона молия-хўжалик фаолиятининг алоҳида масалалари кўриб чиқилади. Текшириш жараёнида молия интизомининг бузилган нуқсонлари аниқланади, натижада, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва салбий ҳолатларни такрорламаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чикилади.

Молия назоратининг таҳлил усули муқаррар ва омилкор бўлиши лозим, чунки у даврий йиллик ҳисботлар орқали бажарилади. Пировардида, маблағларни харажат қилиш нормаси таъминланади ва режанинг бажарилиши аниқланади.

Молия назоратининг тафтиш усули корхона ва ташкилотларнинг ҳисббот давридаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун қўлланилаётган энг устувор усулларидан бири ҳисбланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида товар-пул муносабатлари ривожланиши юксалади, пировардида, бир томондан, хўжалик субъекларининг ранг-баранг мулк шакллари вужудга келса, иккинчидан, молия бозорининг пайдо бўлиб ривожланишига ҳам туртки бўлади. Бундай ҳолатлар ўз ўрнида молиявий назоратнинг янги турларини вужудга келиши ва ундан самарали фойдаланишни тақозо этади. Аудиторлик - бизнинг республикамиизда янги назорат органи бўлиб, у мулк шаклидан катъий назар барча турдаги корхона, ташкилот ва муассасаларни молия - хужалик, тижорат ва тадбиркорлик

фаолиятини пуллик асосда текшириш ўтказади. Аудиторлик фирмалари - бу мустакил муассаса бўлиб, назоратнинг объективлигини таъминлашга ва унинг сифат даражасини яхшилашга таъсир кўрсатади.

Жамиятдаги иқтисодий ҳаётнинг турли хил соҳаларида ва хўжалик бошқарувидаги қўп қиррали мураккаб вазифаларни ҳал қилишда молиявий назорат фаол иштирок этади, шунга биноан уни ташкил этиш учун маълум бир талабларни аниқлаш тақозо этади.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектлар ўз мавқеидан келиб чиқиб қуидагича фарқланади: -давлат молия назорати; -корхона ичидаги молия назорати; - жамоа молия назорати; -мустакил (аудиторлик) молия назорати.

Молиявий назорат - бутун назорат тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг йўналиши, давлат молия сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, тармоқлар иқтисодидаги барча соҳа ва бўғинларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва самарали фойдаланишга каратилган бўлади. Бозор иқтисодига ўтиш даврида ва бозор муносабатлари ривожланган тақдирда ҳам молиявий назоратнинг салоҳияти пасаймасдан, балки ошиб боради.

Молиявий назорат-молиянинг назорат функциясини ҳаётга татбик, этиш кўринишида намоён бўлиб, у молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналишини белгилаб беради. Шундай бўлсада, молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналиши жамиятдаги ишлаб чикириш кучлари ва муносабатларининг ўзгаришидан келиб чиқсан ҳолда ўзгариб туради. Масалан, хизмат соҳасидаги корхоналарнинг хўжалик юритиш хукуқларининг кенгайиши, уларнинг молиявий фаолиятини олиб боришдаги мустақиллиги, тадбиркорликнинг ранг-баранг кўринишдаги мулк шаклларининг вужудга келиши молиявий назоратнинг мазмунини бойитишга олиб келади.

**Молиявий назорат** - бу маҳсус шакл ва услубларини кўллаш орқали хўжалик юритувчи ва бошқарув органларининг молиявий фаолияти билан

боғлиқ бўлган масалаларни текширишга қаратилган ҳаракатлар ва тафтишлар йиғиндисидир.

Молиявий назоратни тадбиқ этиш учун юқори малакали ва тажрибали мутахассислардан таркиб топган маҳсус орган ташкил этилади. Уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик орқали катъий регламентланган бўлади. Молиявий назорат-тармоклар иқтисодидаги назоратнинг таркибий қисми бўлиб, у қиймат категорияси билан бөглиkdir. Молиявий назорат маълум бир соҳаларда қўлланиб, ўзига хос мақсадли йўналишига эга. Моливиявий назоратнинг обьекти бўлиб, унга молиявий ресурсларнинг ҳаракати, шаклланиши ва фойдаланишдаги тақсимлаш ва пуллик жараёнлар шунингдек, тармоқлар иқтисодининг барча бўғинларидағи фонд шаклидаги пул ресурслари ҳам киради.

Молиявий назорат қўйидаги текширишларни ўзида акс эттиради:

- объектив иқтисодий қонунлар талабига риоя этиш;
- миллий даромад ва ялпи ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги оптималликни таъминлаш;
- давлат бюджети даромадини ташкил этиш ва ижросини таъминлаш;
- корхона, ташкилот ва бюджет муассасаларида молиявий, меҳнат ва материал ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- хўжалик субъектларининг молиявий холати ва солиқ, назорати.

Молия интизомига риоя килиш учун молиявий назорат корхона, ташкилот ва муассасалар жавобгарлиги билан узвий боғлиқликда бўлади.

Бундай жавобгарлик молия интизомини бузган шахсга нисбатан, ҳам маъмурий кўринишида, ҳам иқтисодий усулда бўлиши мумкин. Иқтисодий усул билан таъсир қўрсатиш муайян молия санкциялари орқали амалга оширилади.

Молиявий жавобгарликни кучайтириш, бир томондан, молиявий назоратнинг таъсирини юксалтиришда кулланилаётган молиявий санкциялар миқдорини камайтиришни талаб қиласа, иккинчи томондан уларнинг самарадорлик даражасини оширишни талаб этади.

### **3.2. Туристик ташкилотларнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари**

Корхонанинг молиявий ҳолатининг муҳим тавсифларидан бири – бу узоқ муддатли истиқболи нуқтаи назаридан фаолиятининг барқарорлигидир. У биринчи навбатда корхонанинг умумий молиявий таркиби, унинг кредиторлари ва инвесторларига тобелигига боғлик. Шунинг учун кўпгина тадбиркорлар ўз маблағларини кам ишлатиб, қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштиришни хўш кўришади. Аммо, агарда “ўз маблағлар – қарз маблағлар” структураси қарзлар тарафига оғиб кетса, “ноқулай” вақтда бир қанча кредиторлар қарзларини талаб қилиб қолганда корхона таназзулга учраши мумкин. Айнан шу учун туристик ташкилотнинг молиясини мукаммалаштириш муҳим аҳамиятга эга, яъни улар самарадорлигини ошириш, шу туфайли ташкилот молиявий мустаҳкамлиги таъминланади.

Ўзининг амалий фаолиятида туристик ташкилот ҳар қандай фаолиятининг босқичларида якуний натижага деб белгиланган рентабелликка эришиши ҳисобланади. Молиявий хўжалик фаолияти асосида эса узоқ муддатли молиявий режалаштириш ётиши лозим.

Туристик ташкилот молиясини бошқариш деганда, молиявий механизм тузиш жараёни, бошқа субъектлар билан молиявий муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Туристик ташкилот молиясини бошқариш молиявий режалаштириш, оператив бошқарув, молиявий назорат, ҳисоб ва таҳлил каби элементларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, молиявий режалаштириш, корхона молиявий режаларини ишлаб чиқишида капиталнинг самарали қўйилмалар йўналишларини аниқлаш, хўжалик ички заҳираларини аниқлаш, контрагент, давлат ва ҳ.к.лар билан молиявий муносабатларни оптималлаштиришни тақозо этади.

## 7-жадвал.

### Туристик фирмаларнинг молиясини бошқариш алоқалари

Молиявий бошқариш	Молиявий муносабатлар
Молиявий муносабатларни бошқариш	Бошқа корхона ва ташкилотлар, Молия – кредит тизимидағи бирлашмалар таркибидаги корхоналар
Пул фондларини бошқариш	Ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар, Қарз маблағлар, Тезкор фондлар ва бошқ.
Пул оқимларини бошқариш	Асосий фаолият, Инвестицион фаолият, Молиявий фаолият

Молиявий режалар ва башоратлар тузишда тезкор усул (келажакдаги солиқ мажбуриятлари ва амортизация ажратмалари ҳажмини баҳолаш), дисконтлаш усули (қўйилмаларнинг келажакдаги даромадлилиги ва уларга инфляция факторларининг таъсири), экстрополяция усули, иқтисодий математик моделлаштириш усули (молиявий ресурслар ўсишига таъсир қилувчи турли хил факторларни баҳолаш), бюджетлаштириш қўлланилади.

Бюджетлаштириш, бошқарув ҳисоби ривожи асосида молиявий режалар ва башоратларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида, молиявий ҳамда бошқа режаларни, шунингдек ташкилот масъулияти маркази даражасида, ўзаро боғлаш имкониятини беради.

Туристик корхонанинг асосий молиявий режаси бўлиб харажатлар ва даромадлар баланси ҳисобланади, у одатда тўртта бўлимдан иборат бўлади:

- драмад;
- харажат;
- бюджет тизими билан ўзаро муносабатлар;
- кредит ташкилотлари билан ҳисоб – китоблар.

Молия соҳасидаги узоқ муддатли йўналиши корхонанинг молиявий стратегияси асосида бўлиши керак. Даромадлар ва харажатлар, шунингдек, пул оқимлари башоратлар, туристик корхонанинг бизнес режасида кўрсатилиши мумкин. Шунингдек, бизнес – режа корхонанинг молиявий – хўжалик стратегиясини акс эттириши мумкин. У асосида кредиторлар ва инвесторлар маблағ бериш қарорларини қабул қилишади. Бизнес – режанинг молиявий қисми ўз ичига қуидаги ҳисобларни олади:

- молиявий натижалар истиқболи;
- молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва қўшимча инвестицияларга эҳтиёжнинг ҳисоби;
- пул маблағларини дисконтлаш модели;
- рентабеллик соғонаси ҳисоби (заарсизлик нуқтаси)

Бундан ташқари, молия бозори ҳолати, шартномалар бўйича контрагентлар молиявий ҳолати, туристик хизматлар бозори конъюнктурасининг ва хоказолар тўғрисида маълумот олиш талаб қилинади.

Йирик ташкилотларда бундай маълумотларни олиш учун маҳсус аналитик марказлар яратилади. Шу билан бирга маслаҳат хусусиятига эга хизматлар ишлатилади.

Корхонада тезкор молиявий режалаштириш молиявий хизмат томонидан тўлов тақвими, касса режаси, талабнома ҳисобини тузишни назарда тутади. Туристик ташкилотнинг тўлов тақвими башоратли режа хужжатини ўзида акс эттиради, уни тузишдан асосий мақсади бўлиб, пул оқимларини жорий баланслаштиришга эришиш ҳисобланади.

Туристик ташкилотда бу режаларни тузиш бевосита инсонлар, маҳсус ташкилий тизим, фаолияти билан боғлиқ. Шундай қилиб, туристик ташкилот молияси бошқарувининг мустақил элементи сифатида ташкилот молиявий бошқарувнинг қуи тизимидағи ташкилий тузилмаси ҳисобланади. Молиявий бошқарувнинг ташкилий тузилмаси шунингдек унинг кадрлар таркиби ташкилот ҳажмига, унинг фаолият кўламига ва яна бир қатор омилларга боғлиқ. Кичик корхоналарда бундай бошқарув раҳбар ёки бош бухгалтер томонидан амалга оширилади. Йирик корхоналарда молиявий хизмат (молия департаменти, молия дирекцияси) яратилади, унда алоҳида

бўлинмалар ажратилади: режа – аналитик ҳамда ҳисоб – назорат бўлимлари. Режа – аналитик бўлинма истиқбол, режалаштириш ва молиявий оқимларни ташкил қилиш масалалари учун жавоб беради, ҳисоб – назорат бўлими эса ҳисоб, молиявий назорат, бошқа бўлимларнинг ахборот таъминотини ташкил қиласди.

Молиявий бошқарувда ички хўжалик ва аудитор назорати муҳим ўринни эгаллади. Давлат молиявий назорати фақатгина солиқ мажбуриятларини бажарилишини, шунингдек корхона бюджет маблағларини оладиган бўлса, уни ишлатилишини назорати билан чекланган ички хўжалик назорати, корхонада ташкил қилинган маҳсус бўлимлар орқали амалга оширилиши мумкин ва улар хужжатларни текшириш ва таҳлил қилиш билан шуғулланадилар. Ундан ташқари раҳбар аудиторлик текширувини ташкил қилиши мумкин. Кўп ҳолларда корхона молиявий ҳисоботлари ишончлилиги тўғрисида мажбурий аудиторлик хулосасини олиш талаб қилинади.

Молияларни ишлатишнинг самарадорлигини оширишда асосий маблағлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, улар маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини ошириш, таннархни пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, мулк солигини пасайтириш, ялпи даромадни ошириш ҳисобига корхона молиявий натижаларида акс эттирилади. Корхонада асосий маблағлардан фойдаланишни яхшилашга қуйидаги йўллар билан эришиш мумкин:

- корхонанинг ортиқча асбоб – ускуналардан, машиналар ва бошқа асосий маблағлардан озод қилиш ёки уларни ижарага бериш;
- режали – эҳтиёж ва капитал таъмирлашни ўз вактида сифатли ўтказиш;
- юқори сифатли асосий маблағларни сотиб олиш;
- хизмат кўрсатувчи персонал малакавий даражасини ошириш;
- ҳаддан ташқари маънавий ва жисмоний эскиришнинг олдини олиш мақсадида асосий маблағларни ўз вактида яхшилаш;
- иқтисодий самара берадиган бўлса, корхонанинг иш алмашинуви коэффициентини кўтариш.

## **IV-Боб. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасида хавфсиз иш шароитини ташкил этиши масалалари**

### **4.1. Самарқанд шаҳридаги “Алижон” туристик фирмасида туристлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари**

Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмасида инсон фаолиятини ҳафвсизлигини ташкил этилиши туристлар ҳафвсизлиги тадбирларининг самарали олиб борилиши билан боғлиқ. Ўз-ўзидан аёнки, шахсий хавфсизлик ҳар бир турист учун сув билан ҳаводек зарур тушунчадир. Шу боис саёҳат пайтида туристлар хавфсизлигини таъминлаш меҳмонхонанинг, шунингдек турист ташриф буюрган мамлакат ҳукуматининг бош вазифаси ҳисобланади. Меҳмонхоналар ва давлат органлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи туристлар хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилади. Бунда дам олиш ёки саёҳат жойидаги сиёсий вазият ва экологик муҳитнинг барқарорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазкур омиллар нормага мувофиқ бўлмаган ҳолларда туризмни хавфсиз деб айтиш мушкул. Бунда саёҳат мамлакати (минтақаси)даги сиёсий ва экологик ҳолат тўғрисида тўғри ва тўлиқ ахборот олиш туристлар учун жуда муҳим. Агар меҳмонхона сиёсий ёки экологик жиҳатдан бекарор худудларда туристлар хавфсизлигини кафолатлай олмаса, бундай минтақаларга саёҳатлар сони қисқаради. Меҳмонхона ходимларидан фарқли ўлароқ, турист ўзига нотаниш жойга, кўпинча бегона мамлакатга ташриф буюришини, бунда у мазкур мамлакатдаги иқлим, саёҳат чоғида қандай буюмлар, ҳимоя воситалари, дори-дармонлар керак бўлиши мумкинлигини доим ҳам билавермаслигини назарда тутиш лозим. Мазкур ҳолатларни эътиборга олиш, туристга яхши маслаҳат бериш меҳмонхонанинг вазифасидир.

У ёки бу мамлакатда маршрутни ишлаб чиқишидан олдин унга хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим. Бу мақсадда тегишли

маълумотлар жадвалини тузиш мумкин (4.1-жадвал). Мазкур жадвални тузишда социологик сўров маълумотларига таянилади, шунингдек вазият статистик таҳлилдан ўtkазилади. Бундай жадвал меҳмонхона томонидан ҳам, миллий туристик маъмурият томонидан ҳам тузилиши мумкин.

## 8-жадвал

### **Туризмга таҳдид солувчи хавф-хатарларнинг умумий даражаси ҳамда мамлакатга хавфсизлик нуқтаи назаридан умумий баҳо бериш**

<b>Хавф-хатар турлари</b>	<b>Баҳо</b>	<b>Ўзига хос хусусиятлари</b>	<b>Турфирмалар ва туристлар учун тадбирлар</b>	<b>Хулоса/ҳаракат</b>
<b>Биологик хавф-хатарлар</b>				
Санитария билан боғлиқ (биологик) вазият	6,2	Ҳашаротлар – пашишалар, малярия тарқатувчи чивинлар, сувараклар, пўстлоқхўр қўнғизлар, замбуруғлар, моғор	Юклар, багажга санитария воситалари билан ишлов бериш, ўз багажини текшириш	Санитария-эпидемиология хизмати билан шартнома тузиш
Тиббий назорат/ эпидемиологик хавф	4,2	Сариқ безгак, малярия, дизентерия, грипп	Мажбурий эмлаш, йўлга санитария-гигиена воситалари, доридармонлар олиш	Эмлаш учун сертификат, врач маслаҳати
<b>Ижтимоий хавф-хатарлар</b>				
Жиноий вазият ва ижтимоий хавфсизлик	4,3	Киссавурлиқ, гиёҳвандлик	Хужжатлар, пуллар, бойликлар, багажни сақлаш қоидалари, жиноятчилик	Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хусусий

			даражаси катта бўлган жойларга бормаслик	қўриқлаш хизматлари билан ишлаш
Маҳаллий аҳолининг маданий антагонизми	5,4	Ислом анъаналари, хулқ-атвордаги консерватизм	Мазкур мамлакатда қабул қилинмаган тарзда кийинмаслик, ўзини маҳаллий анъаналарга мос тарзда тутиш (чекмаслик, спиртли ичимликлар ичмаслик)	Туристлар билан тушунтириш ишлари ўтказиш, англашилмовч и-лик чиққан хол-ларда вазиятни ўнглашга қодир шахслар билан алоқа боғлаш
Ксенофобия (чет элликларни ёқтирмаслик)	1,1	Норасмий мигрантлар маҳаллий иш жойларини эгаллаганлар	Турист ўз ватанига қайтиб кетиш ниятида эканлигини намойиш этишга харакат қилиш	Маҳаллий ташкилотлар билан ишлаш

### Сиёсий хавф-хатарлар

Тартибсиз- ликлар, намойишлар, сиёсий можаро	3,1	Мамлакатда иш ташлашлар, мухолифат намойишлари, миллатлараро тўқнашувлар содир бўлмоқда	Сиёсий тадбирлар ўтказилаётган, намойишчиларнин г полиция билан тўқнашуви содир бўлаётган жой- ларни четлаб ўтиш	Назарда тутилмаган вазият юзага келмаслиги учун кўплаб маршрутлар ишлаб чикиш
--	-----	---	--	---

Чегарада полиция назорати, хуқукни муҳо-фаза қилиш органларининг таъқиби	2,6	Хужжатларни текшириш, рўйхатдан ўтмаганлик учун ҳақ талаб қилиш	Туристни барча зарур хужжатлар билан таъминлаш, зарур ҳолда визани узайтириш ёки туристнинг чиқиб кетишини таъминлаш	Туристларга тазийик кўрсатилишига йўл қўймаслик учун полиция ва чегара хизмати билан ишлиш
Божхона тўсифи	3,2	Сертификатлаштирилмаган маҳсулот, совғалар, валюта бойликлари, қадимият ва санъат асарларини олиб чиқиш ҳамда белгиланган лимит- дан ортиқ товарлар (сигаретлар, спиртли ичимликлар, электроника) олиб кириш билан боғлиқ муаммолар	Бойликлар ва предметларни олиб кириш ва олиб чиқиш қоидалари билан танишиш, товарларни зарур хужжатлар билан таъминлаш	Божхона органлари билан мунтазам алоқа қилиш ва божхона қонун хужжатларидағи ўзгаришлар тўғрисида ахборот олиш

#### **Иқтисодий хавф-хатарлар**

Валюта сиёсати	6,7	Расмий ва норасмий курс ўртасидаги тафовут, валюта айирбошлаш билан боғлиқ муаммолар	Валюта операциялари қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик	Валютани хавфсиз конвер-тация қилиш бўйича банклар билан ҳаракат-ларни
-------------------	-----	---	--	---

			мавжудлигини тушунтириш	мувофик- лаштириш
Товарлар, озик-овқат маҳсулотлари -нинг мавжудлиги	3,6	Гўшт ва сут маҳсулотлари билин боғлиқ муаммолар	Гуруҳ маршрут бўйлаб харакатланиши даврида уни маҳсулотлар билан таъминлаш	Овқатланиш муаммоси ҳал қилинади
Транспорт ва мехмонхона хизматлари нархларининг даражаси	5,6	Уч юлдузли мехмонхона нархининг баландлиги, авиачипталар сотиб олиш билан боғлиқ муаммолар	Турист лицензиясиз хусусий уйларга жойлашмаслиги учун шартномада мех-монхона хизмат-ларига скидкани назарда тутиш, авиачипта масала-сини авиаком- панияларнинг агентлари билан ҳал қилиш	Товар айланиши ортади
Туризмнинг бошқа инфратузилм аси (алоқа, автопрокат, овқатланиш, дўконлар) мавжудлиги	4,8	Полиция, ўт ўчириш хизмати, тиббий муассасалар билан тезкор алоқа боглашнинг иложи йўқлиги	Уяли алоқа ва пейжер алоқаси, рация	Уяли алоқа ва пейжер алоқаси хизматларини кўрсатувчи корхоналар билин шарт- номалар

				тузиш, кўчма рация-лардан фойдала- нишга рухсат олиш
Туристларга солиқ солиш	2,4	Музейлар, транспорт ва бошқа хизматларга туристлар учун белгиланган нархлар маҳаллий аҳоли учун белгиланган нархлардан фарқ қиласи, турист мамлакатда бўлиб туриши учун маълум ҳақ тўлаши шарт (масалан, Бутандада бу сумма кунига 200 долларга етади)	Туристларга скидкалар ва имтиёзлар бериш масалалари бўйича маҳаллий агентликлар ва корхоналар билан иш олиб бориш	

#### **Инфратузилма билан боғлиқ хавф-хатарлар**

Тоғларда куткариш хизматининг йўқлиги	2,9	Вертолётлар, йўл кўрсатувчилар, альпинистлар, тоғ сўқмоқларининг хариталари йўқ	Фавқулодда вазият бўйича вазирлик органлари, маҳаллий аҳоли билан ишлаш, йўл кўрсатувчиларни жалб қилиш	Авиаотряд, тиббий хизмат билан шартнома тузиш
--	-----	---	---	---

Экстремал вазиятда алоқа боғлаш воситалари-нинг йўқлиги	3,1	Тоғ шароитида радиосигналлар яхши қабул қилинмайди	Кучли радиостанция сотиб олиш, пунктлар билан радиоалоқани таъминлаш	Махаллий кутқариш хизматлари билан шартнома тузиш, шу жумладан радиочастотага рухсат олиш
---	-----	--	--	---

*Эслатма: туроператор томонидан мазкур мамлакатда илгари бўлган туристлар билан бирга ўртacha баҳолар қўйилади; «0» – қийинчиликнинг йўқлиги, «10» - қийинчиликнинг энг катта миқдори.*

Кўрсаткич 10 га яқинлашган тақдирда, мамлакатни ёки мазкур маршрутни туристик сафардан чиқариш лозимлигини баҳо қўйишда назарда тутиш керак. Энг маъқул баҳо – 6-7 баллгача. Агар турист барибир мазкур туристик маҳсулотдан фойдаланиш ниятида эканлигини билдиrsa, салбий оқибатларни камайтириш учун турли ҳаракат вариантларини мўлжаллаш, масалан, жиноий вазият мураккаб бўлиб турган ҳудудларда туристни кўриклийдиган хусусий соқчиларни ёллаш лозим.

Мехмонхоналар муваффакиятли фаолият кўрсатиш учун бир қатор муҳим муаммоларни ҳал қилишлари лозим. Туризм соҳасида суғурта билан шуғулланувчи компанииялар хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларига ўз маблағларини жойлаштирадилар. Масалан, туристлар йўқолишининг олдини олиш учун саёҳат маршрутларида туристларни радиостанциялар билан таъминлайдилар. Лекин бу маҳсус қутқариш ҳамда туристлар хавфсизлигини таъминлаш хизматларига бўлган талабни бекор қилмайди. МДҲнинг аксарият мамлакатларида бундай назорат-қутқариш хизматлари (НҚҲ) барча фаол туризм минтақаларида фаолият кўрсатади. Қуйидаги жиҳатлар туризмдаги хавфсизлик масалаларига киради:

- маршрут, тур тоифаси туристларнинг тайёргарлиги даражасига мувофиқлиги (агар спорт, сафар, саргузашт турлари тўғрисида сўз юритилаётган бўлса). Бир қанча маршрутларга туристлар фақат саёҳат қилишга монеликлар йўқлиги тўғрисида тиббий маълумотнома тақдим этган тақдирда қўйилади (масалан, Камчаткадаги «Дзензур вулқонига чиқиш» тури);
- туристларни маршрутда кузатиб борадиган гидлар, инструкторлар малакасининг юқориилиги (тасодифий, тайёргарликсиз шахслар туристлар билан ишлашга қўйилмайди);
- туристлар ҳаракатланадиган хавфсиз трассаларни, шунингдек улар тўхтайдиган жойларни лозим даражада жиҳозлаш.

Терроризм – меҳмондўстлик саноати тўлақонли фаолият кўрсатишига монелик қилувчи бош омил. Токи давлат мазкур таҳдидни бартараф этиш ёки камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширмас экан, туризм тўлақонли ривожлана олмайди.

Мисрда хуқуқий тартибот органлари жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни назорат қилишга интилади ва чет эллик туристларга қарши ҳар қандай ҳаракатларни ўша заҳоти тўхтатади. Россия ҳам терроризм туристик инфратузилманинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган мамлакатлар қаторига киради. Табиийки, бу хуқуқий тартибот органларини энг қаттиқ чоралар кўришга мажбур қилмоқда. Бошқа томондан, бир қанча курортлар Кавказнинг «қайноқ нуқталари»да жойлашгани бу ерда туризм ҳажмини камайтиromoқда. Ўзбекистон фаол туристик фаолият зонасига кирмаса-да, Афғонистон ва Тожикистон сингари сиёсий ва жиноий жиҳатдан нотинч давлатлар билан қўшничилик потенциал харидорларнинг мамлакатга бўлган қизиқишини сўндиromoқда. АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин Афғонистонда бошланган антитеррористик операция ҳам туристик оқимлар ҳажмида акс садо берди: айрим баҳолашларга қараганда, уларнинг ҳажми олдинги йилнинг шу давридагига қараганда анча қисқарди.

Саёҳат мамлакатидаги сиёсий ва криминоген вазият, маҳаллий аҳолининг чет элликларга муносабати ҳақида туристларга ахборот бериш Ўзбекистон фуқароларининг чет элга чиқишини таъминловчи меҳмонхоналарнинг бош вазифасидир. Бунда давлат ташкилотлари, хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги муҳим рол ўйнаши лозим. Масалан, АҚШда Давлат департаменти дунёning сиёсий жиҳатдан нотинч минтақалари ҳақида америкаликларга ахборот беради ва заруратсиз бу минтақаларга ташриф буюрмасликни маслаҳат беради.

Хавфсизлик – ҳаёт ва соғлиқни қўриқлашга қараганда кенгроқ тушунча. Бу шахсни саёҳат вақтида чиқиши мумкин бўлган барча можаролар ва кўнгилсизликлардан ҳимоя қилишни назарда тутувчи чора-тадбирлар тизимиdir; у туристнинг мол-мулки, бойлиги, багажи, буюмлари ва бошқа анжомларини қўриқлаш схемасини ҳам ўз ичига олади. Масалан, бир қарашда оддий туюладиган вазиятни олайлик: Ўзбекистонлик бирон-бир мамлакатда 220 В кучланиш ва 50 Гц частотага мўлжалланган электр ускуна (электр устара, фен, уяли телефон ва ҳ.к.)дан фойдаланади, ваҳоланки, бу стандарт айrim мамлакатларда амал қилмайди. Турли мамлакатларда қандай электр таъминот тизимлари амал қилишини кўриб чиқамиз:

- Австралияда электр тармоқ кучланиши 240/250 В, ўзгарувчан ток частотаси 50 Гц; штепселли розеткалар уч уяли; Европа ва Осиёда ишлаб чиқарилган электр асбоблардан фойдаланиш учун кучланиш адаптерлари ва тармоқка улаш ўтказгичлари талаб этилиши мумкин. (уларни Австралияда ҳам сотиб олса бўлади);
- Андоррада тармоқ кучланиши 240 В, 50 Гц;
- Бразилияда электр кучланиши турли штатларда ҳар хил, хусусан, Рио-де-Жанейро ва Сан-Паулуда электр кучланиши 110 ёки 120 В, Сальвадор ва Манаусда – 127 В, Ресиф, Бразилия ва бошқа кўпгина шаҳарларда – 220 В; штепселли розеткалар ҳам ҳар хил: икки ёки уч уяли;
- Буюк Британияда электр кучланиши 240 В, бунда электр устара, фендан фойдаланиш учун уч штирли вилка талаб этилади;

- Ямайкада тармоқдаги күчланиш 1100 В, частота 50 Гц. Қоида тариқасида, барча зарур майший асбобларни исталган мәхмонхона тақдим этади.

Күриб турганимиздек, электр тармоқларидан фойдаланиш тартиби ҳар хил. Электр асбобни маҳаллий шароитга мослаштиришга уриниб, турист құл остида мавжуд нарсалардан фойдаланади, ўзининг ҳаётини ва мәхмонхона мол-мұлкини хавф остида қолдиради. Зотан, бундай «экспериментлар»дан кейин қисқа туташув содир бўлиб, ёнғин чиқиши, бу мәхмонхонага катта зиён етказиши, бошқа одамларнинг ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда туристлар хавфсизлигини таъминлаш бугуги куннинг энг мухим масалаларидан бири ҳисобланади. Чунки саёҳатчи, айниқса өзінде келаётган туристларни ўзларини ҳар томонлама хавфсиз ҳис қилишга интилади. Шу сабабли тур фирмалар фаолиятини ташкил этишда албатта юқоридаги барча тартиб қоидаларга риоя қилиниши мақсадга мувофиқдир.

#### **4.2. Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмасида хавфсизликни таъминлаш ҳамда хавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш йўллари**

Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмаси – мижозлар дам олиши, ҳордиқ чиқариши, ишлиши ва тижорат билан шуғулланиши учун зарур барча нарсалар билан таъминлаши лозим бўлган маъмурий, ишлаб чиқариш ва яшаш мажмуюи ҳисобланади. Табиийки, у ҳимоялашнинг алоҳида қоидаларини тақозо этади. Мехмонхоналарнинг мижозларининг хавфсизлигини таъминлашнинг бир қанча усувлари эксперталар томонидан ишлаб чиқилган.

**Биринчидан,** ёнғиндан сақлаш, қўриқлаш, санитария, техника хизматлари ва бошқалар мазкур мәхмонхона учун ишлаб чиққан барча хавфсизлик қоидаларига риоя этиш лозим.

**Иккинчидан**, улар ходимлар ва мижозлар хавфсизлигини таъминлашни назарда тутадиган стандарт иш тартиб-таомилларига риоя этишлари зарур.

**Учинчидан**, ходимлар юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни кузатиб боришлари ва улар тўғрисида маҳсус хизматларга маълумот беришлари шарт.

**Тўртинчидан**, маҳсус хизматлар туристларни ҳимоя қилишнинг янги нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиши учун уларга содир бўлган барча фавқулодда ҳодисалар тўғрисида маълумот бериш лозим.

Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмаси ходимлари ўз фаолиятида ҳамиша зийрак ва ҳушёр бўлишлари керак. Фавқулодда ҳодиса содир бўлган дастлабки дақиқаларда зудлик билан тегишли чоралар кўриш муҳимдир. Тиббий ёрдам чақиришдан ташқари, ходим шикастланган мижозга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиши лозим.

Ҳушёр ва зийрак ходим муассаса ҳудудида пайдо бўлган бегона одамларни ёки ўзини шубҳали тутаётган шахсларни дарров пайқайди. Бундай ходимлар мижозлар унтиб қолдирган қимматбаҳо буюмларни дарҳол илғайдилар, уларга буюмларни саклаш учун сейфлардан фойдаланишни таклиф қиласидилар, умуман, мижозларга тегишли буюмларнинг асралиши ҳақида қайғурадилар, бундан мижозлар ҳам, тур фирма менежерлари ҳам наф кўрадилар.

Турист сафар пайтида тўқнаш келиши мумкин бўлган хавфсизлик билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, меҳмонхонада унга *check out* ҳужжатини ёзиб беришлари мумкин. Бу ҳужжат меҳмонхонада яшаш даврида кўрсатилган барча хизматлар учун ҳақ тўлашни англатади. Табиийки, меҳмонхона тоифаси қанча юқори бўлса, тўланадиган ҳақ ҳам шунча катта бўлади. Лекин бунда белгиланганидан ортиқча тўлаб юбормаслик учун молиявий хавфсизлик билан боғлиқ бир нечта қоидага риоя этиш зарур.

**Биринчидан**, агар турист нотаниш гурӯҳ аъзоси билан икки кишилик номерда яшаётган бўлса, чойшабни ювишга топширишда чойшабга илова

қилинган варақчага ўз исм-шарифини ёзиб қўйиши шарт (бу қоида қўшнига ҳам тааллуқли). Акс ҳолда номерга умумий хисоб ёзилади ва майший хизматга ким кўпроқ мурожаат этганини аниқлашга тўғри келади.

**Иккинчидан**, меҳмонхонада яшовчилар еган бифштекси ёки ичган вискиси учун ҳар сафар пул тўламасдан, хисобда ўз хонаси рақамини қайд этиб, имзо чекишлари мумкин. Бунда узил-кесил хисоб-китоб меҳмонхонадан кетишида амалга оширилади.

**Учинчи жиҳат** ҳам молиявий хавфсизлик, хусусан, туристларнинг беҳуда сарф-харажатлари билан боғлиқ. Россияда нашр этиладиган «Вояж» журналининг ёзишича, саёҳат, сафар ва дам олишда беҳуда сарф-харажатлар фоизи жуда катта. Шу боис турист долларларни бат, манат, гульден, рупий, шекель, сом ва пфеннигларга конвертация қилиш хисоб-китобларини дарҳол амалга ошириши лозим. У зарур харажатлар минимуми билан ҳар куни уларга сарфлаш мумкин бўлган маблағлар максимумини олдиндан белгилаб олиши ва шундан келиб чиқиб зарур нарсалар нархини танлаши керак.

Маълумки, саёҳат вақтида жуда кўп кераксиз нарсалар, хусусан, совғалар, сувенирлар харид қилинади. Туристлар жами пулларининг қарийб 60% ни шунга сарфлайдилар. Ваҳоланки, мазкур буюмларнинг аксарияти кейин уйда чанг босиб ётади.

Молиявий хавфсизлик тўғрисида сўз юритганда, муайян пул маблағларидан фойдаланиш муаммосини ҳам назардан қочирмаслик керак. Масалан, Австралияда кредит карточкалари – авваламбор, ҳамма ерда қабул қилинадиган Visa ва Mastercard кредит карточкалари, шунингдек major credit card – ёрдамида дўконларда ва ресторонларда ҳақ тўлаш мумкин, лекин бунда карточкалардан пул олиш унча қулай эмас: бу хизмат учун 15% ҳақ олинади.

Яна бир хавфсизлик чораси – экскурсиялар сонининг мўътадиллиги. Зотан, таассуротларнинг кўплиги уларни маълум даражада хирадаштиради. Экскурсиялар учун алоҳида ҳақ оладиган фирмалар баъзан ўз мижозларига

кунига уч-тўрттадан тўлақонли экскурсия таклиф қиласи. Бошда бу унча билинмайди, лекин орадан бир неча кун ўтгач, турист чарчайди ва ҳақ тўланганига қарамай, экскурсиялардан воз кечади.

**Тўртингичдан**, туристнинг хулқ-автор хусусиятлари ҳам умумий хавфсизлик масалалари қаторига киради. Турист турли (диний, ирқий, сиёсий, жиноий, маданий ва б.) сабабларга кўра чет элликларнинг кириши тақиқланган жойларни аниқлаб олиши лозим. Акс ҳолда у ҳаёти ёки соглиги ёхуд маҳаллий қонуннинг бузилиши билан боғлиқ оғир ахволга тушиб қолиши мумкин. Хусусан, Индонезияда денгиз портларига чет элликларнинг кириши тақиқланади. Бу тақиқ бузилган тақдирда қоидабузарни катта жарима кутади. Туркманистонга ташриф буюрган чет элликлар алоҳида ҳудудларга, ҳатто вилоятларга кириши ҳам тақиқланади.

Исландияга З ойдан ортиқ муддатга келган Ўзбекистон фуқаролари Иммиграция хизматида (бошқа шаҳарга келганда полиция хизматида) рўйхатдан ўтишлари ва бундан кейин яшашга рухсатнома олишлари шарт. Бунда 500 крон миқдорида ҳақ олинади. Ўзбекистон фуқаролари мамлакат бўйлаб ҳаракатланишига чеклашлар мавжуд эмас. Фақат АҚШ ҳарбий обьектлари чет элликлар кириши учун тақиқланган.

Коста-Рикада 30 кунгacha муддатга келганлар рўйхатдан ўтиши талаб этилмайди. Мамлакатда узоқроқ бўлишни истаган туристларнинг визаси яна 60 кунга узайтирилиши мумкин. Ўзбекистон фуқаролари мамлакат бўйлаб ҳаракатланишига чеклашлар бу ерда ҳам мавжуд эмас.

**Бешинчи жиҳат** – ўзга мамлакатда автотранспортни шахсан бошқариш. Табиийки, турист йўлда ҳаракатланиш қоидаларини тўлиқ билиши керак, лекин ҳар бир мамлакатда мазкур қоидаларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, турист улар ҳақида олдиндан огоҳлантирилгани маъқул. Масалан, Малайзияда автомобилни ижарага олиш учун бир қанча шартларни бажариш, хусусан, турист 23 ёшдан кичкина, 60 ёшдан катта бўлмаслиги, халқаро ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши талаб этилади.

Агар фақат миллий гувоҳнома бўлса, Йўл транспорти вазирлигидан махсус рухсатнома олиш зарур.

Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмасида, хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари кодексига ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни саноат корхоналарида, ташкилотларида ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, ишлаб чиқариш жараёнларни ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб борувчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириши ва даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмасида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва заарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити заарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлик шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат махсулотлари, пархез овқат бепул берилади.

Самарқанд шаҳридаги «Алижон» туристик фирмасида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуқконлик ва лоқайдлик билан қарashi натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари бузилиб, баҳтсиз ҳодиса рўй беради. Баҳтсиз ҳодисанинг оғир, енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора-тадбирлари белгиланган.

**Интизом жавобгарлиги.** Ҳар бир саноат корхонаси ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган.

Талабларни бажармаслик баҳтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг тартиб-қоидаларга амал қилмаслиги иш режимининг бузилишига, кассалик, баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва бошқа ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Маъмурий жавобгарлик қўйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

1. Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар).
2. Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва сусодара қилиш усули қўлланилади.

3. Тартиб бузувчининг шахсига таалуқли бўлган жавобгарлик (аҳлоқ тузатиш ишлари, маъмурий – қамоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

**Жиноий жавобгарлик.** Мехнатни муҳофаза – қилиш қоидаларининг кўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиш содир бўлса ёки баҳтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани бузишда айблангандан раҳбар ҳодим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий жавобгарлик раҳбар ҳодимни вазифасидан четлатиш ёки маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

**Моддий жавобгарлик.** Бу ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонага келтирилган моддий зарарни қоплашdir. Мехнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларининг ишчи ва хизматчи томонидан бузилиши натижасида саноат корхонаси моддий зарар кўрса, шу зарарнинг бир қисмини ёки ҳаммасини айбдор шахс томонидан тўланиши моддий жавобгарлик чорасига киради. Моддий жавобгарлик чегараланган ва тўлиқ жавобгарлик тартибида белгиланиши мумкин.

## **Х У Л О С А В А Т А К Л И Ф Л А Р**

Мамлакатимизда туризм саноатига катта эътибор қаратилмоқда, чунки туризм саноати бу энг кам молиявий ресурсларни сарфлаб, юқори самарага эришиш ёки давлат бюджетига салмоқли ҳисса қўшиш билан тушунтирилади. Шундай экан, туризм саноатидаги асосий иштирокчилардан бўлган туристик ташкилотлар ушбу жараёнда муҳим ўринни эгаллайди.

Бозор иқтисодиёти ҳамда кучли рақобат шароитида, ҳар бир туристик ташкилотнинг асосий мақсади бу сайёҳларга иложи борича кўпроқ турдаги хизматларни таклиф қилишдан ва хизматлар ҳажмини оширишдан иборат. Аммо рақобат шароитида туристик ташкилот ўз молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиши, уларни тўғри бошқариши талаб этилади. Туристик ташкилот молиявий ресурларидан оқилона фойдаланиши учун аввало молиявий ресурсларни режалаштиришни амалга ошириш керак.

Молиявий режалаштириш ташкилот келажакда молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ривожи учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш бўйича меъёрий кўрсаткичлар ва молиявий режалар тизимини ишлаб чиқиш жараёнини ўзида акс эттиради, у ўз таркибида турли хил манбалардан олинган ресурсларни керакли ҳажмда шакллантириш ва ушбу ресурсларни ташкилотнинг керакли жойида ва вақтида жойлашувини таъминлайди.

Бундан ташқари туристик ташкилотларда молиявий ресурсларни бошқаришда молиявий назоратнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади.

Молиявий назорат - бу маҳсус шакл ва услубларини қўллаш орқали хўжалик юритувчи ва бошқарув органларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни текширишга қаратилган ҳаракатлар ва тафтишлар ийғиндисидир.

“Алижон” туристик фирмасида молиявий ресурсларни бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича қўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. “Алижон” туристик фирмасида молиявий ресурслари асосий манбай бўлиб хизмат кўрсатишдан тушган тушум ҳисобланади. Тақсимлаш жараёнида тушумнинг маълум қисми даромад ёки жамғармаларга ўтади. Шунинг учун ташкилот молиявий ресурсларини бошқаришда аввало, ташкилотдаги хизматлар ҳажмини қўпайтириб, унинг тушумини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

2. “Алижон” туристик фирмасида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда асосий воситалардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Асосий воситалардан оқилона фойдаланиш орқали, биз хизматлар ҳажмини оширишимиз, хизматлар тан нархини камайтиришимиз, хизмат сифатини оширишимиз, солиқ юкини камайтиришимиз ҳамда ялпи фойдани оширишга эришишимиз мумкин.

3. “Алижон” туристик фирмасида молиявий ресурларни бошқаришда айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Корхонанинг ўз ва қарз айланма маблағларнинг айланиш қанча тез бўлса, шунга мос ҳолда кўпроқ хизматлар кўрсатилади ҳамда молиявий натижа ҳам мос ҳолда кўпаяди.

4. “Алижон” туристик фирмаси молиясини такомиллаштириш учун дебиторлик қарзларни самарали бошқариш, банклар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш, харажатларни оптималлаштириш керак бўлади.

5. “Алижон” туристик фирмасининг молиявий ресурсларини қўпайтиришдаги самарали усувлардан бири бу нархларни оширишdir. Бу усул энг аввало, маълум бир хизматларга талаб кўп бўлган шароитида амалга ошириш мумкин.

6. “Алижон” туристик фирмаси учун молиявий қўйилмалар ҳам молиявий ресурсларни қўпайтиришда қўл келиши мумкин. Масалан, ташкилот ўз қўйилмаларини банк депозит ҳисоб рақамида сақлаши, улардан фоизлар олиши ёки акцияларни сотиб олиб дивидентлар олиши мумкин. Аммо бу ҳолатда, инфляция суръатлари ҳамда олинган даромадлардан солиқ ставкасини эътиборга олиш даркор бўлади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонуни. – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. – Адолат, 2000.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 346 1998 йил августда қабул қилган «Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш» тўғрисидаги фирмойиши. Халқ сўзи, 1998. 9-август.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси - Т.: Ўзбекистон, 2010.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
8. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шаклантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
- 10.Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
- 11.Александров А.Ю. Международный туризм. М. 2004.
- 12.Биржаков М.Б. Введение в туризм Из-во дом Герда, 2006.
- 13.Дурович А.П. Организация туризма. Москва, 2005.

14. Зайналов Ж. Р., Маъдиев А.Н. “Молия” лекциялар курси II қисм – СамИСИ – 2009 йил.
15. Кабушкин Н.И., Бандаренко Т.А. Менежмент гостиниц и ресторанов. Минск, 2000.
16. Квартальнов В.А. Менежмент туризма. Москва: Финансы и статистика, 2000.
17. Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. Москва: Финансы и статистика, 2002.
18. Менежмент туризма. Туризм как объект управления. Учебник. Москва: Финансы и статистика, 2002.
19. Пардаев М.Қ., Атабоев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш. Самарқанд, 2006.
20. Пардаев М.Қ., Атабоев Р. Туризм асослари. Самарқанд, 2006.
21. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Самарқанд 2009.
22. Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2010. – 264 б.
23. Ҳайитбоев Р., Амриддинаева Р. Туризмнинг маҳсус турлари. Самарқанд, 2008.
24. Ҳайитбоев Р., Сатторов А. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. Самарқанд, 2009.
25. Ҳайитбоев Р., Пардаев О. Туризмнинг менежменти. Услубий қўлланма. Самарқанд, 2010.
26. Қурматов О. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (лотин ёзувида). – Т.: «Мехнат», 2004 й. – 254 б.
27. Қурбонов Ж.М., Файзиев Ж. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси (лотин ёзувида). – Самарқанд, СамИСИ, 2009 й. – 166 б.
28. [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) - Халқаро туристик ташкилот.
29. [www.world-tourism.org/infoshop](http://www.world-tourism.org/infoshop) - Халқаро туристик ташкилотнинг ахборот маркази.
30. [www.wtoelibrary.org](http://www.wtoelibrary.org) – Халқаро туристик ташкилотнинг кутубхонаси.
31. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) - Туристик ассоциациялар.